

**“ШАРҒУНКЎМИР” АЖ акциядорларининг
2021 йил якуни бўйича умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИдан КЎЧИРМА**

2022 йил 30 июн Соат 15-00

Шарғун шаҳри,
А.Икромов кучаси 50-уй

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи

акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони: **7 029 420 дона**

Шундан умумий йиғилишда Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийсининг 2022 йил 13 июндаги 161/ЭГ- сонли шартномасига асосан масофадан туриб электрон овоз бериш “evote.uz” тизими орқали иштирок этган акциядорлар ҳамда Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган овозларнинг сони: **7 019 434 дона**

Санок комиссияси раиси Р.И.Сатторов сўзга чиқиб, жамиятнинг умумий овоз берувчи акциялар сони **7 029 420** дона эканлигини, шундан умумий йиғилишда қатнашиш учун **7 019 434** дона акцияларнинг эгалари рўйхатдан ўтиб, ушбу йиғилишда иштирок этаётганлигини, бу акциялар умумий сонининг **99,86** фоизини ташкил этишини ва акциядорларнинг умумий йиғилишини ваколатли деб топиш учун кворум мавжудлигини маълум қилди.

Амалдаги қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ кузатув кенгаши раиси Х.А.Омонов акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига раислик қилди.

Йиғилиш раиси Х.А.Омонов кворум мавжудлигини эътиборга олиб, акциядорларнинг умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва умумий йиғилиш раёсатига 3 кишини яъни, Х.А.Омонов, Х.Н.Абдуллаев, Н.Зайниддиновларни сайлашни таклиф қилди.

Раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш котиблигига Х.А. Ташкулов сайланди.

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Санок комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.



3. Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.
5. Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тинглаш.
6. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
7. Жамият томонидан 2021 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шаклини, тартибини ва тўлаш муддатини аниқлаш.
8. Жамият устави ва ички корпоратив низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва уларни янги таҳририни тасдиқлаш.
9. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
10. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
11. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш.
12. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича Халқаро молиявий стандартлар асосида тайёрланган консолидацияланган молиявий ҳисоботларини Халқаро аудит стандартлари бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш.
13. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш.
14. Жамиятнинг 2022 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш.
15. Жамиятнинг 2021 йил учун фаолият самарадорлигининг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари бажарилишини тасдиқлаш, жамият бошқарув органларига тўловлар ва компенсация тўлаш.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди :

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши санок комиссияси Р.И.Сатторов, Э.Б.Носиров ва А.Б.Аббасовлардан иборат таркиби тасдиқлансин.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди :

1. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин.



2. Сўзга чиққан маърузачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақиқа вақт берилиши тасдиқлансин.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

1. Жамият бош директори в.б. Х.Н.Абдуллаевнинг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ҳамда тасдиқлансин.

2. **Жамият ижро органи (Абдуллаев)га:** 2021 йилда жамиятнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, ҳаражатларни қисқартириш, маҳсулот таннархини камайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича тегишли чораларни кўриш топширилсин.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

1. “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг 2021 йил якуни бўйича ўтказилган йиллик умумий йиғилишлар орасида қабул қилинган йиғилиш қарорлари тасдиқлансин.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

1. Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва кейинги ҳисобот даврида ушбу камчиликларни такрорламаслик чоралари кўрилсин.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги олтинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

1. “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари бўйича Аудитрлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги еттинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**



1. Жамият томонидан 2021 йил якуни бўйича олинган 4 523 105 минг сўмлик соф фойдаси “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун йўналтирилсин ва тасдиқлансин.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди:

Жамият ижроия органига:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилгани маълумот ва ижро учун қабул қилинсин;

2. Жамият Устави, «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги, «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги, «Ижроия органи тўғрисида»ги Низомларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар маъқуллансин ҳамда тасдиқлансин.

3. Жамият Директор в.б Х. Н. Абдуллаевга Жамият Уставини белгиланган тартибда ва муддатда Давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди:

9.1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси ўринбосари в.б: **Омонов Хайитбай Ахмадалиевич**, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирынинг логистика ва туризмни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси- **Аллаяров Темур Баходирович**, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи: **Атажанов Камал Атаваевич**, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи: **Асқаров Музаффар Турсунбоевич**, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Саноат фаолиятини ташкил этиш ва назоратини бошқариш бошқармаси бош муҳандиси: **Зайниддинов Нуриддин Савранбекович**, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси ўринбосари в.б. референти: **Дадабоев Бехзод Нариманович**, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари - **Сабуров Жўрабек Максудовичлар** жамият кузатув кенгаши таркибига 3 йил муддатга сайлансин.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича қўйидаги

Қарор қабул қилинди:

10.1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси етакчи мутахассиси: **Абдухакимова Нозима**

Ровшановна, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи: **Шакиров Азамат Аскаралиевич**, – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ молия бошқармаси бўлим бошлиғи; **Ишимов Зоир Очилдиевичлар** номзодлари жамият тафтиш комиссияси таркибига сайланишлари тасдиқлансин.

10.2. Тафтиш комиссияси томонидан чорак якунидан сўнг жамиятнинг молиявий-хужалик фаолияти натижалари бўйича тафтиш ўтказилсин ва натижалари тўғрисидаги хулосалар Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим қилинсин.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

1. “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти Бош директори Абдуллаев Хамза Найимович билан тузилган меҳнат шартномаси муддати 1 йил муддатга узайтирилсин.

2. Жамият Кузатув кенгаши ўрнатилган тартибда “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти бош директори билан меҳнат шартномаси имзолансин.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

1. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик хулосалари тасдиқлансин.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

1. Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг 2022 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналар билан конунчиликда белгиланган тартибда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишга розилик берилсин.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

1. “Шарғункўмир” АЖнинг 2022 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси тасдиқлансин.




**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича қўйидаги
Қарор қабул қилинди:**

1. Жамиятнинг 2021 йилда фаолияти самарадорлигининг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисида ҳисобот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамиятнинг 2021 йилда самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи – етарли даражада бажарилганлиги эътироф этилсин.

3. Жамиятнинг 2021 йилдаги фаолияти самарадорлигини ҳисобга олиб, Жамият кузатув кенгаши раиси ва Бош директорига 12 Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲТЭМ), Кузаув кенгаши ва ижроия органи аъзоларига 9 МҲТЭМ, Тафтиш комиссияси раисига 5 МҲТЭМ ва аъзоларига эса 4 МҲТЭМда мукофотлансин.



Кузатув кенгаши аъзолари

№	Ф.И.О.	Ким томонидан берилган	Паспорт рақами
1	Омонов Хайитбай Ахмадалиевич	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ИИБ	АА 1596554
2	Алпаяров Тимур Баходирович	Тошкент шаҳар ИИБ	АС 0543143
3	Сабуров Жўрабек Максудович	Тошкент шаҳар, Бектемир тумани ИИБ	АА 6627998
4	Зайниддин Нуриддин Савранбекович	Тошкент шаҳар, Сирғали тумани ИИБ	АА 5704084
5	Атажанов Камал Атаваевич	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ИИБ	АА 4295513
6	Аскарлов Музаффар Турсунбоевич	Тошкент шаҳар, Сирғали тумани ИИБ	АА 2022414
7	Дадабаев Бекзод Нариманович	Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани ИИБ	АА 1892654